

# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 1 (3) 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ  
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР  
ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 1 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL  
SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

**Юлдашев Анвар Эргашевич** – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Мавланов Уктам Махмасабирович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Хазратқулов Аброр** – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

**Ҳакимов Назар Ҳакимович** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Яҳшиликов Жўрабой** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

**Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

**Хошимхонов Мўмин** – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

**Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна** – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Ахмедов Ойбек Сапорбаевич** – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

**Кўчимов Шуҳрат Норқизилович** – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

**Салаҳутдинова Мушарраф Исламутдиновна** – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

**Кучкаров Рахман Урманович** – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

**Юнусов Мансур Абдуллаевич** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдов Улугбек Арипович** – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **ЮРИДИК ФАНЛАР:**

**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Эсанова Замира Нормуротовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

**Зулфиқоров Шерзод Хуррамович** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

**Хайитов Хушвакт Сапарбаевич** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Асадов Шавкат Ғайбуллаевич** – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдуллаев Шахзод Алиханович** – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

### **ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

**Хашимова Дильдархон Уринбоевна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Ибрагимова Гулнора Ҳавазматовна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Закирова Феруза Махмудовна** – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;  
**Тайланова Шоҳида Зайниневна** – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Каримова Васила Маманосировна** – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Ҳайитов Ойбек Эшбоевич** – психология фанлари доктори (DSc), доцент. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузур Ҷавлат бошқаруви академияси;

**Умарова Навбаҳор Шокировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

**Атабаева Наргис Батировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Қодиров Обид Сафарович** – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиги.

#### **СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Латипова Нодира Мухтаржановна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

**Сеитов Азамат Пўлатович** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

**Содикова Шоҳида Мархабоевна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **СИЁСИЙ ФАНЛАР**

**Назаров Насриддин Атакуллович** –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура курилиш институти;

**Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич** –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иктисадиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси хисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шахри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

#### **Электрон манзил:**

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

## МУНДАРИЖА

### ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Шаисламова Наргиза Кабиловна*  
КОРХОННИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ РИСК  
ДАРАЖАСИНИ ПАСАЙТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ..... 7-20

- Mavru洛va Nilufar Abduxalilovna*  
TIBBIY SUG'URTA: AMALDAGI TURLARINI RIVOJLANTIRISH VA MAJBURIY  
TURINI JORIY ETISH IMKONIYATLARI ..... 21-29

### ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

- Маматқулов Давлатжон Махаматжонович*  
ИСЛОМ ФОЯЛАРИНИ ЎРТА ОСИЁГА КИРИБ КЕЛИШ ТАРИХИ ВА УЛАРНИНГ  
МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ ..... 30-36

- Umarjonov Sohibjon Soyibjon o'g'li*  
IBN SINONING "ISHORALAR VA TANBEHLAR" ASARI VA POSTKLASSIK ISLOM  
FALSAFASINING BOSHLANISHI ..... 37-50

### ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

- Ahmedov Oybek, Tilavova Malika*  
SEMANTIC STRUCTURE OF WORDS RELATED TO EDUCATION IN  
ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES ..... 51-62

- Ашуррова Ситора Эркиновна*  
ВАЖНОСТЬ КОМПЬЮТЕРОВ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЯ ЯЗЫКОВ ..... 63-69

### ЮРИДИК ФАНЛАР

- Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи*  
СУДНИНГ ҲУҚУҚНИ ШАРҲЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ  
НАЗОРАТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ..... 70-77

- Авезова Элеонора Параҳатовна*  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИГА ҚАБУЛ  
ҚИЛИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ..... 78-86

- Ахмедова Шахноза Озоджоновна*  
СООТНОШЕНИЕ ОЦЕНКИ ВОЗДЕЙСТВИЯ НА ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ И  
ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ..... 87-95

### ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

- Tashpulatov Farxad Alisherovich*  
GANDBOLCHILAR O'YIN FAOLIYATI SAMARADORLIGINI HAR TOMONLAMA  
BAHOLASH METODIKASI ..... 96-104

<i>Парманов Абулқосим, Абдурашидова Мавжуда</i>	
ЎҚУВЧИЛАРДА ТЕСКАРИ ФУНКЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛИ ҲАҚИДА .....	105-110
<i>Hamrayeva Zuhro Bahodirovna</i>	
BOLALARNI GO'DAKLIK DAVRIDAN SUZISHGA O'RGATISH ORQALI JISMONIY RIVOJLANISHINI TAKOMILLASHTIRISH .....	111-119
<i>Тўрабоева Мадинахон Рахмонжон қизи</i>	
ТАЛАБАЛАРНИНГ ШАХСИЙ-КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎҚУВ ЛОЙИХАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ .....	120-126
<i>Абдурахмонова Сайёрахон Шахобидиновна</i>	
АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ – БЎЛҒУСИ ТАРБИЯЧИЛАРИДА КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА .....	127-135
<i>Shermatov Gulom Kaxxorovich</i>	
“5-1” HIMOYASINI BAJARISHDA GANDBOL O'YINCHILARINING TAKTIK O'ZARO TA'SIRI .....	136-143

*Педагогика фанлари*

**Тўрабоева Мадинахон Рахмонжон қизи**

Андижон давлат университети  
Умумий педагогика кафедраси ўқитувчиси

## **ТАЛАБАЛАРНИНГ ШАХСИЙ-КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎҚУВ ЛОЙИҲАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**



<https://doi.org/10.47390/1342V3I1Y2023N13>

**Аннотация.** Мақолада рақамли мухит шароитида талабаларнинг шахсий-креатив қобилияtlарини ривожлантиришнинг зарурияти, педагогик фанларни креатив йўналишда ташкил этишнинг имкониятлари ва педагогик фанларни ўқитиш жараёнида ўқув лойиҳа топширикларидан фойдаланишнинг таълим сифатини оширишдаги аҳамияти хусусида фикр-мулоҳаза ва тавсиялар баён этилган.

**Калит сўzlар:** рақамли мухит компетенция, креативлик, шахсий-креатив компетенция, замонавий таълим, лойиҳа, ўқув лойиҳа.

**Туррабоева Мадинахон Рахмонжон қизи**

Преподаватель кафедры общей педагогики  
Андижанского государственного университета

## **ИСПОЛЬЗОВАНИЕ УЧЕБНЫХ ПРОЕКТОВ В РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТНО-ТВОРЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ СТУДЕНТОВ**

**Аннотация.** В статье описывается необходимость развития личностных творческих способностей учащихся в цифровой среде, возможности организации педагогических предметов в творческом направлении, а также важность использования учебных проектных заданий в процессе обучения педагогическим предметам для повышения качества образования.

**Ключевые слова:** цифровая компетентность, креативность, личностно-творческая компетентность, современное образование, проект, образовательный проект.

**Turaboeva Madinakhan Rahmonjon kizi**

Teacher of the Department of  
General Pedagogy of Andijan State University

## **USE OF STUDY PROJECTS IN DEVELOPING PERSONAL-CREATIVE COMPETENCE OF STUDENTS**

**Abstract.** The article describes the need to develop the personal creative abilities of students in the digital environment, the possibilities of organizing pedagogic subjects in a creative direction, and the importance of using educational project assignments in the process of teaching pedagogic subjects to improve the quality of education.

**Key words:** digital environment competence, creativity, personal-creative competence, modern education, project, educational project.

---

### **Кириш.**

Бугунги глобаллашув жараёнидаги замонавий таълим тизими ўз олдига шахснинг ўз шахсий мустақиллиги, эркинлиги, креативлиги, компетентлиги сифатини шакллантиришни асосий вазифа этиб белгилаган паллада, репродуктив ўқитиш стратегиясидан воз кечиши кераклигини, бунда таълим стандартларига мос келувчи билим, кўникма, малака ва компитенцияларни ўз ичига олган ҳолда ўкув режада белгиланган фанларни ташкил этишда ўкув лойиҳаларидан фойдаланишни назарда тутади.

Талабаларнинг шахсий-креатив компетенциясини ривожлантириш натижасида уларда муаммоли фаолият турларини таҳлил қилиш, қундалик ва ўкув жараёнидаги муаммоларни мустақил англаш, ўз имкониятларини ривожлантиришга сарфлаш каби ўзига хос хусусиятларга эга бўлишини таъминлайди[1].

### **Адабиётлар таҳлили ва методология.**

Лойиҳа – баъзи мураккаб ишланмаларни яратиш бўйича хужжатлар йиғиндиси ҳисобланади. Лойиҳа тушунчаси кенг маънода маълум натижа (loyihxanning makhsumi)га эга мақсадли фаолиятни ташкил этиш учун бирор-бир ташкилий шаклни белгилашда фойдаланилади[2].

Ўз навбатида, лойиҳа – бу вакт чегараланган ва муаммони ҳал қилишга ёки аниқ мақсадга эришишга қаратилган ҳаракатлар тизими.

Лойиҳханинг асосий хусусиятлари: вактнинг чекланганлиги, лойиҳханинг бошланиш ва тугаш нуқтасини мавжудлиги

Лойиҳханинг асосида бирор шахснинг билим, кўникмалари, қобилиятлари, ўз билимларини мустақил қўллай билиш малакалари, информацион фазода йўналишга қизиқишилари ва танқидий фикрлашларини ривожлантириш ётади.

Лойиҳалаштириш – реал натижага олиб келувчи, қатъий тартибга солинган ҳаракатлар изчиллигини ўз ичига оловчи муаммони ўзгартирувчи фаолиятни англатади.

Ўқув лойиҳаси – бу ўрганилган мавзу ёки бўлимни янада чукурроқ ўрганишга йўналтирилган, таълим жараёнига тажриба, фаолият асосида ёндашувга имкон берувчи, тадқиқотчилик ва изланишга доир методлардан фойдаланишни талаб этувчи таълимни ташкил этиш шакли.

Ўқув лойиҳаласи – таълим оловчиларнинг рподуктив ўқишини таъминлайдиган энг самарали технологиялардан бири саналади.

Лойиҳалар методи ҳар доим талабанинг мустақил фаолиятига йўналтирилган бўлиб, яъни талabalар маълум вақт давомийлигида якка, жуфт, гурӯҳ бўлиб ишлайдилар. Лойиҳалар методи бир томондан турли ҳил методлар, усул, ўқитиш воситаларидан фойдаланишни, иккинчи томондан илм-фан, техника, технология, ижодий соҳалардан билим, қўникмаларни жамлашни талаб қиласидиган муаммони ҳал этишни кўзда тутади. Бажарилган, яқунланган лойиҳаларнинг натижалари, агар у назарий муаммо бўлса, у ҳолда унинг тўғри ечими, агар амалий бўлса, у ҳолда татбиқ қилишга тайёр бўлган аниқ натижа кўринишида бўлиши керак.

Лойиҳалаш таълимнинг ижтимоий, педагогик мақсадларга таянган ҳолда, педагогик жараённи акс эттирувчи умумий стратегия хисобланади. Лойиҳалаш жараёнида ўқув режа, дастурлар, дарслик, методик тавсиялар, ўқув қўлланмалар, интернет маълумотлари ва бошқалар мухим манба бўлиб хизмат қиласиди.

Таълим жараёнини лойиҳалаш – ўқитувчи касбий фаолиятининг кўриниши бўлиб, ўқитувчининг таълим жараёнининг технологик тузилма, унинг натижасини таъминловчи метод ва воситалар йифиндиси билан тавсифланади.

Лойиҳавий таълими қўйидаги мухим таълим муаммоларини ҳал этиш имконини беради ва давр талабига мос келади:

таълимни реал ҳаётга юқори даражада яқинлаштирилган вазиятда амалга оширишни таъминлайди;

назарий билимларни амалий фаолият билан боғлаш, баҳолаш ва талabalарни фаол мустақил билиш жараёнига жалб этиш имконини беради;

касбий ва таянч лаёқатларни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлайди.

Изланувчан фаолият характери ва устивор методларга кўра тадқиқий, ижодий ва информацион лойиҳаларга бўлинади[3].

Тадқиқий лойиҳалар – ўз ҳаракетига кўра илмий тадқиқот моҳиятини эслатади, унинг мантиғига бўйсунади ва ўз ичига қўйидагиларни олади: муаммонинг долзарблиги ва ишлаб чиқилганлик даражасини, муаммонинг обьекти ва предметини, тадқиқот мақсадини, гипотезасини, вазифаларини,

муаммони ўрганиш методологияси ва методикасини, ахборот йигиш ва таҳлил қилишни, тажриба ўтказиш, амалий тавсиялар ишлаб чиқишини ва ҳоказо. Тадқиқий лойиҳалар кўпинча курс ва диплом лойиҳаларида ишлатилади.

Ижодий лойиҳалар (бизнинг тадқиқот ишимиз учун фойдаланиладиган лойиҳа) – янги, оригинал ғояларни, хамкорликдаги фаолият маҳсулларини (ижодий ҳисобот, кўргазма, видеофильм, нашрлар-китоб, компьютер дастурлари ва ҳоказо) ижодий шаклда ишлаб чиқишига йўналтирилган бўлади. Ишни амалга оширишда турли ҳил методлардан фойдаланилади.

Информацион лойиҳалар – таълим-тарбия жараёни ёки бошқа буюртмачилар учун зарур бўлган ахборотни йиғишига йўналтирилган бўлади. Лойиҳани ишлаб чиқишида турли ҳил манбалардан ахборот излаш ва топиш билан боғлиқ: монография, илмий журналлар, рўзнома, электрон маълумотлар базаси, ижтимоий сўровлар ёрдамида. Лойиҳа натижаси танлаб олинган, таҳлил қилинган, умумлаштирилган, тизимлаштирилган ва бирорта буклет, коллаж, нашр, интернетдаги сахифа ва ҳоказо қўринишида бўлган ахборот шаклида тақдимот қилинади.

### **Муҳокама ва натижалар.**

Ўқув лойиҳавий фаолият – бу қўйилган вазифаларга эришиш, таълим оловчилар учун муҳим ва аниқ фойдаланувчига мўлжалланган бирор-бир якуний маълумот қўринишида расмийлаштирилган, муаммони ечиш учун таълим оловчиларнинг белгиланган изчилликдаги харакатлари мажмуаси саналади.

Ўқув лойиҳаси устида ишлашни ташкил қилиш ўз ичига қуйидаги босқичларни қамраб олади:

1. Ҳал этилиши зарур бўлган муаммони излаш ёки уни шакллантириш. Бу босқичда ўқитувчининг асосий вазифаси – талабаларнинг муаммони тушуниб этишларига эришиш, уни ечиш жараёни учун мотивацияни ҳосил қилиш.

2. Лойиҳа устида ишлаш учун ижодий гурухларни ташкил қилишга эришиш. Бунда жуфт ёки гурухли лойиҳаларни амалга ошириш мумкин.

3. Лойиҳа устида тизимли ишлашни режалаштириш. Бу босқичда қуйидагилар аниқланади: мавжуд ахборот манбалари; ахборот тўплаш ва таҳлил қилиш усуллари; олинган натижаларни тақдим қилиш усуллари (ҳисобот, аниқ маҳсулот ва ҳоказо); натижаларни баҳолаш мезони; ижодий гурух аъзоларининг мажбуриятлари.

4. Ахборот излаш ва умумлаштириш. Бу босқичда режа асосида талабаларнинг креативлик, тадқиқийлик фаолияти ташкил қилинади. Асосий талаб турли хилдаги ахборот манбаларининг мавжудлиги, уни йигиш учун турли методлардан фойдаланиш.

5. Ахборотни таҳлил қилиш. Бу босқичда олинган бошланғич маълумотларни муҳокама қилиш ва лойиҳани ишлаб чиқиш амалга оширилади.

6. Лойиҳани тартиблаш, безаш ва тақдим қилиш. Ўқув лойиҳа натижаларини таҳрирлар ва тартиблаш усуллари унинг турига боғлиқ бўлади ва ҳар хил бўлиши мумкин: ёзма ҳисобот, амалий тавсияларни чоп этиш (компьютерли вариант) видеофильм, техник қурилмаларнинг макетини тайёрлаш ва ҳоказо. Иш тўғрисидаги ҳисобот ва хуносалар тақдим этилади.

7. Лойиҳа натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш. Бу босқичда лойиҳа муаллифларининг натижаси ҳар жиҳатдан таҳлил қилинади. Шу билан бирга лойиҳа сифати ўқитувчи ва эксперtlар томонидан баҳоланади.

Лойиҳалар ўзининг давомийлигига қараб: кичик лойиҳалар (бир соатли); қисқа муддатли лойиҳалар (4 соатга мўлжалланган); хафтага мўлжалланган лойиҳалар; узок муддатга мўлжалланган лойиҳалар (кўпинча бундай лойиҳалар дарсдан ташқари таълимни амалга оширишга хизмат қиласди) бўлиши мумкин.

Ўқув жараёнини лойиҳа асосида ташкил этишда ўқитувчи фаолликда иш юритувчи эмас, балки кенг қамровли креатив педагог ролини ўташи талаб этилади. У талабани руҳлантириши, уларни қизиқтириш орқали пировард мақсадга эришиши талаб этилади ва лойиҳани амалга оширадиган вақт ташкилий масалалар, бериладиган топшириқ ҳамда саволлар олдиндан режалаштирилиши керак.

Педагог лойиҳа раҳбари сифатида юқори маданиятли, ижодкор, изланувчан, ташкилотчи, лойиҳа доирасида содир бўлиши мумкин бўлган камчилик, хатолар, уларнинг олдини олиш, жараённинг таҳлилий томонлари ҳам олдиндан ҳисобга олиниши, хуллас, ўқитувчи педагогик компетенцияларга эга бўлиши муҳим ҳисобланади.

Энг асосий мақсад – ўқув лойиҳалар шундай тузилиши керакки, у талаба шахсига қаратилиб, унинг шахсий ўсишига, шаҳсий-креатив компетенциясини ривожланишига хизмат қилиши керак.

Ўқув лойиҳаларидан фойдаланиш педагог фаолиятини ўсишига, талабаларнинг шаҳсий-креатив компетенциясини ривожланишига ва бунинг таг замирида жамиятда янгича муҳит юзага келишида муҳим аҳамият касб этиади.

Ўқув лойиҳалаш технологиясидан фойдаланиш жараёнида қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш зарур:

- ўқув лойиҳасининг бош ғоясини аниқлаш;
- ўқув лойиҳалари дастурини ишлаб чиқиш;
- ўқув лойиҳаси ташкил этиладиган аудиторияни белгилаш;
- ўқув лойиҳани ташкил этишда гуруҳ аъзолари сонини белгилаш;
- ўқув лойиҳани ўтказиш шарт-шароитларини ўрганиш;

– ўқув лойиха топшириқларининг бажарилишини назорат этиш.

Педагогик фанларни юқорида кўрсатиб ўтилгандек жиҳатларга эътибор қаратилган ҳолатдаги ўқув лойихалари тарзида ташкил этиш, талабаларнинг фанга муҳаббатини ошириш, маълум мақсадга интилиш йўлида харакатда бўлиш, мустакил фаолият олиб бориш ва бунинг асосида уларда шахсий-креатив компетенция хусусиятларини ривожлантиришга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Ушбу юқоридаги ўқув лойиха доирасида бажарилган ишлар юзасидан талабаларни баҳолаш уларнинг камчиликларини аниқлашда, тўғрилашда, кейинги топшириқларни янада завқ билан, бутун эътиборини қаратган ҳолатда, эгаллаган билимларини ўз ижодкорлиги билан уйғунликда бажариш имконини беради.

Бугунги кун талабларининг янгиланиши, аввало, таълим муҳитининг ўзгаришига асос бўлади. Таълим тизимида ва унинг ҳар бир босқичида локал ўзгаришлар тизимнинг тўфон каби жараёнини юзага келтирмоқда. Бу тезлик даврида педагог тинимсиз изланиши, янги технология ва ўқитиш усусларини эгаллаш ва уларни фаолиятида истиқболли даражада қўллаш орқали таълимни сифат жиҳатидан кўтаришга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Бугунги ўқув жараёнига катта ўзгаришлар керак. Вақт синовидан ўтган усуслар билан талаба-ёшларнинг шахсий-креатив сифатларини ривожлантириш анча мушкул. Янги рақамли жамият янги ёндашувларни, янги усусларни талаб қиласди.

Шу маънода биз тадқиқотимиз доирасида талабаларнинг шахсий-креативлик компетенциясини ривожлантиришда ўқув лойихаларидан фойдаланишни таклиф этдик.

Агарки, талаба ўқув лойихалари устида ишлашни муваффакиятли уddyалай олса, умид қилиш мумкинки, у вақт қадрини хис эта оладиган, ўз фаолиятини режалаштирадиган, ўзгарувчан шароитга мослашадиган, бугун ва келажак жамияти ривожланиши йўлида ўзининг муносиб хиссасини қўшувчи креатив шахс бўлиб камол топади.

### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Тўрабоева М. Potential opportunities for the development of personal-creative competences in students // “Epra international journal of multidisciplinary

- research (IJMR)” журнали (SJR Impact Factor: 7.032). INDIA. 9/2020. –462-464. б
2. Ходжаев Б., Уразова М. Педагогнинг лойиҳалаш маданияти. Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: 2016. – Б. 161.
  3. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. – Т. 2006. – 110 б.
  4. Тўрабоева М. Замонавий шараоитда – талабаларнинг шахсий-креатив компетенциясини ривожлантиришнинг инновацион модели // “Янгиланаётган Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ёшларнинг ўрни” онлайн илмий анжуман материаллари. Наманган, 2021 йил 29, 30, 31-май. 298-301-б.